

2-1-2018

DEVELOPMENT OF THE NATIONAL INSURANCE COMPANIES BY INNOVATION TECHNOLOGIES

Sh. Jonodilov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Jonodilov, Sh. (2018) "DEVELOPMENT OF THE NATIONAL INSURANCE COMPANIES BY INNOVATION TECHNOLOGIES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 10.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Жонодилов Ш.Ў.

МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада жаҳон амалиётида суғурта фаолиятига инновацион технологияларни тадбиқ этиш ҳолати таҳлил этилган ва миллий суғурта компанияларимиз фаолиятини инновацион технологиялар асосида янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: инновацион технологиялар, суғурта фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет, электрон суғурта полислари, электрон тўлов тизимлари.

В статье анализируется мировой опыт внедрение инновационных технологий в страховой бизнес и предлагаются рекомендации по дальнейшему развитию национальных страховых компаний на основе инновационных технологий.

Ключевые слова: инновационные технологии, страховые услуги, информационные и коммуникационные технологии, Интернет, электронные страховые полисы, электронные платежные системы.

The article analyzes the world experience in the introduction of innovation technologies in the insurance business and suggests recommendations for the further development of national insurance companies based on innovation technologies.

Keywords: innovation technologies, insurance services, information and communication technologies, Internet, electronic insurance policies, electronic payment systems.

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, хусусан суғурта фаолиятига инновацион технологияларни олиб кириш суғурта компанияларини инновацион ғоялар асосида бошқариш, компания харажатларини кескин камайтириш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва энг асосийси инновацион технологияларга асосланган суғурта маҳсулотларини яратиш, мавжуд суғурта маҳсулотларини инновацион қонуниятлар асосида такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, суғурта фаолиятида инновацион технологияларни қуйидаги йўналишлар бўйича жорий этиш мумкин:


- янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- суғурта компанияси бошқарувида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- суғурта бозорининг янги сегментини яратиш;
- мавжуд суғурта маҳсулотларини такомиллаштириш;
- миждозлар билан ишлашда янги технологиялардан фойдаланиш.

Суғурта компанияси томонидан инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали компания ички ва ташқи суғурта бозорида

рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу билан биргаликда инновацион технологияларнинг суғурта компаниясига кириб келиши компаниянинг ташкилий-бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион суғурта бизнесини ташкил этишнинг янги усуллари қўллаш билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги глобаллашув жараёнида суғурта хизматлари бозорида юқори рақобат шароитида суғурта компаниялар асосий диққат эътиборини суғурта маҳсулотларини сотишда янги технологиялардан фойдаланишга қаратиши лозим бўлади. Бунда эса суғурта компаниялар олдида Интернет технологияларига асосланган янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш талаби қўйилади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2016 йил якунларига кўра жаҳон суғурта бозорида инновацион технологияларни жорий этиш бўйича 2016 йилда жами қиймати 1.69 млрд. АҚШ долларига эга 173та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, бу 2011 йилга нисбатан 10 баробардан ошиқроқни ташкил этади (1-расм). Суғурта фаолиятига инновацион технологияларни тадбиқ этиш асосан суғурта ҳодисаси юз берганда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, суғурта компаниялар томонидан инновацион технологиялар, яъни ақлли уйлар, ақлли автомобиллар, дронлар ва роботлар, инсонлар саломатлигини назорат қилувчи ақлли соат ва бошқа технологиялар бўйича янги суғурта маҳсулотларини яратиш ва мижозларга таклиф этиш бўйича амалга оширилмоқда.




1-расм. Жаҳон суғурта бозорига инновацион технологияларни жорий этишга йўналтирилган маблағ миқдори.^[1]

Мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар ва технологияларни иқтисодиёт тармоқларига тадбиқ этиш Давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2018 йил 22 январь куни Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат

дастури тўғрисида”ги фармонининг имзоланиши мамлакатимизда инновацион технологияларни жорий этишда Давлат томонидан инновацион технологияларни жорий этишга катта аҳамият бераётганлигига далолатдир. 2018 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун 11239,2 млрд. сўм ва 1284,9 млн АҚШ доллари миқдори маблағ ажратилган[2]. Ушбу дастурда Республикада суғуртафаолиятини ва айниқса тиббий суғуртани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотимизда суғурта компаниясига инновацион технологияларни жорий этиш асосида янги турдаги суғурта хизматларини таклиф этиш ва мавжуд суғурта хизматларини такомиллаштириш, ҳамда компания бошқарувида янги технологиялардан фойдаланиш учун суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этиш модели ишлаб чиқилган (2-расм).




2-расм. Суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этиш модели.¹

Суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этишдан мақсад суғурта компаниясининг рақобатбардошлигини таъминлаш бўлиб, суғурта компанияси ушбу мақсадга эришиш учун ўз олдига инновацион фаолиятни учун қулай шароит яратиш, инновацион имкониятни ошириш ва рискларни камайтириш каби вазифаларни белгилаб олади ва натижада суғурта компанияси активлари, даромади ошади, ижтимоий ҳолати яхшиланади. Бунда, суғурта компанияси инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича муҳим бўлган йўналишни танлаб олиши, ҳамда инновацион фаолиятга бевосита ва билвосита таъсир этувчи омиллар эътиборга олиниши лозим.

¹Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Биз тақлиф этаётган суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этиш моделини амалда тадбиқ этиш учун компанияда инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича бўлим ташкил этилиши ва ушбу бўлим ходимлари томонидан суғурта соҳасига оид янги ғоялар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида ушбу ғояларни суғурта компанияси фаолиятига тадбиқ этиш мумкинлигини аниқлаши, инновацион ғоялар асосида лойиҳалар ишлаб чиқиши ва компаниянинг бошқа бўлимларига жорий этиши, ҳамда лойиҳанинг самарадорлигини назорат қилиши керак бўлади. Компанияда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш компания келажагида муҳим ва самарали бўлган интеллектуал ғояларни ишлаб чиқиш, ҳамда амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Суғурта фаолиятини янада ривожлантириш учун энг аввало инновацион технологияларга асосланган электрон суғурта полисларини жорий этиш лозим. Чунки, электрон суғурта полисини жорий этиш орқали энг аввало суғурталаш жараёни комплекс автоматлаштирилса, бошқа томонидан суғурталанувчининг суғурталаш жараёнига кетадиган вақтини тежайди. Миллий суғурта компанияларимиз орқали электрон суғурта полисларини тузиш ва суғурталанувчига юбориш жараёни 3-расмда тасвирланган.



3-расм. Суғурта компанияси электрон полисларини шакллантириш жараёни.²

Миллий суғурта компанияларимизда электрон суғурта полисларини жорий этиш орқали суғурта маҳсулотлари сотилишини комплекс автоматлаштириш имконияти пайдо бўлади. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки жаҳон амалиётида суғурта фаолиятига инновацион технологияларни жорий этишга

²Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2016 йилда жами 1,69 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, 37% суғурта маҳсулотлари сотилишини такомиллаштириш учун ажратилган. Суғурта компанияси бошқарувини такомиллаштиришга жами инвестицияларнинг 8% ажратилган бўлиб, ўз-ўзидан маълумки суғурта фаолиятини комплексли автоматлаштирилгандан сўнг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатишда юқори самарадорликка эришилади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради. Суғурта инновацион технологияларига ажратилган инвестицияларнинг қолган қисми суғурта тўловлари жараёнини такомиллаштириш, янги турдаги суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва суғурта рискларини бошқариш, суғурта маҳсулотлари нархларини шакллантиришга ажратилган.




4-расм. Суғурта тизими инновацион технологияларига ажратилган инвестициялар миқдори (%да).^[1]

Бугунги кунда инновациянинг ривожланиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига “Ақлли” технологиялар, яъни “Ақлли” уй, автомашина, соат, телефонлар ва бошқаларнинг кириб келишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан, миллий суғурта компанияларимиз ҳам ўз мижозларига “Ақлли” технологиялар асосида ишлаб чиқилган янги турдаги суғурта маҳсулотларни таклиф этсалар ёки мавжуд суғурта хизматларини такомиллаштирадилар ҳам молиявий жиҳатдан ҳам ижтимоий жиҳатдан юқори самарадорликка эришган бўлар эдилар.

Мамлакатимизда суғурта компаниялар фаолиятини ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида комплекс автоматлаштириш орқали суғурта компаниялари билан соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ички ишлар органлари, ёнғин хавфсизлиги органлари, йўл патрул хизмати ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаолиятини ўзаро ҳамкорликда ишлашлари учун шарт-

шароит яратилади. Суғурта компанияларнинг бошқа давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқасини 5-расмда кузатишимиз мумкин.



5-расм. Суғурта компанияларнинг инновацион технологиялари асосида бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқаси.³

Биз миллий суғурта компанияларга қуйидаги инновацион суғурта маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқишларини таклиф этамиз:

1. “Ақлли” уйлар учун суғурта хизматлари. “Ақлли” уйларни суғурта қилиш оддий уйларга нисбатан риск камлиги, суғурта ходисаси юз берганда зарарларнинг камлиги билан ажралиб туради. Чунки, “Ақлли” уйларда сенсорли, кузатув ва телематика тизимларидан фойдаланилганлиги сабабли турли нохуш вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳолатларда ёки ёнғин юз берганда, сув тошганда ва бошқа ҳолатларда тегишли ташкилотларга хабар юборилади. Бу эса ўз навбатида моддий зарарларни камайтиришга хизмат қилади.

2. “Ақлли” автомашиналарни суғурта қилиш. Бунда, суғурта компанияси томонидан суғурталанган автомашинага махсус сенсорли датчиклар ўрнатилади ва ушбу датчиклар орқали ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик риоя этаётганлиги аниқланади. Агар суғурта компанияси ва мижоз ўртасида ўзаро келишилган ва белгиланган муддатда ҳайдовчи ҳеч қандай суғурта ходисаси юз берадиган ҳолатларга йўл қўймаса, унда суғурта компанияси томонидан ушбу суғурталанувчига суғурта пулининг бир қисми қатариб берилади ёки кейинги суғурталаш жараёнида махсус чегирма қилиш орқали суғурталанувчини рағбатлантирилади.

³Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

3. Тиббий суғурталаш. Инновацион технологияларни қўллаш, яъни турли инсонлар томонидан “Ақлли” соатлар тақилиши, уйдаги ҳаво ҳарорати ва намликни назорат қилувчи сенсорли қурилмалардан фойдаланиш тиббий суғурта тизимида тубдан такомиллаштиришга олиб келади. Хусусан, “Ақлли” соатлар билан инсон саломатлигини, юрак уриши, қон босими, ҳарорати ва бошқаларни назоратда сақлаш орқали суғурта компанияси суғурталанувчининг турли касаллаиклар чалинишини олдини олади. Қутилмаган суғурта ходисаси юз берганда эса ушбу инновацион технологиялар соғлиқни сақлаш органларига ўз вақтида керакли хабарларни юборади ва инсон ўлимининг олдини олишда хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, инновацион технологиялар миллий суғурта компанияларимиз ўртасида рақобатбардошлиқни ошириш, иқтиқболда компания ишчи ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва дастурий-техник воситаларга қилинаётган ҳаражатларни камайтириш, компания миқозларига замонавий суғурта хизматларини тақлиф этиш ва мавжудларини ўз миқозлари талаблари асосида такомиллаштириш, миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда турли моддий кўринишдаги рағбатлантиришларни амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Шу боисдан миллий суғурта тизимимизни истиқболда инновацион технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. OECD – Technology and innovation in the insurance sector 2017
2. <http://www.strategy.uz> – Тараққиёт стратегияси маркази веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
3. Amy Newell, Online Insurance Industry Enjoys Net Gains, Banking Technology News, February 2002, pp 24-25.
4. Mangani Sh, 2012, The importance of information technology in the insurance industry. Malta.